

**1-БЛОК: Технология (қыз балаларға арналған)*****Бір дұрыс жауабы бар тапсырмалар***

1. Мактаб устахонасида ишлашга рухсат берилган кучланиш нормаси  
A) 60 В  
B) 220 В  
C) 42В  
D) 36 В  
E) 50 В
  
2. Ёғ ёнган ҳолатда бажариладиган ҳаракатлар  
A) оловни сўндириш керак  
B) кум сепиш керак  
C) ёғ ёнаётган идишнинг қопқоғини ёпиш керак  
D) сув қуйиш керак  
E) намланган латта билан ўчириш керак
  
3. Юқори кучланиш токини уй шароитига мослаб берувчи қурилма  
A) Амперметр  
B) Вольтметр  
C) трансформатор  
D) Омметр  
E) электр ҳисоблагич
  
4. Учли ва ўткир иш қуроллари билан ишлашда иккинчи одамга узатиш тартиби  
A) учини ўзига қаратиб узатиш  
B) ғилофга солиб узатиш  
C) бирон нарсанинг устига қўйиб узатиш  
D) бирон нарсага ўраб узатиш  
E) дастаси билан узатиш
  
5. Электр тармоғини оддий текшириш усули  
A) сим улаб текшириш  
B) электр тармоқ ҳўжалигига хабар бериш  
C) қўл билан ушлаб текшириш  
D) бир бирига улаб текшириш  
E) назорат лампасидан фойдаланиш

6. Қисқа туташув вақтидаги дастлабки ҳаракат
- А) электр асбобларини электр токидан ажратиш
  - В) ҳеч қандай ҳаракат қилмаслик
  - С) сақлагични (предохранитель) ўчириш
  - Д) махсус хизматларга қўнғироқ қилиш
  - Е) ўзини хавфсиз жойга олиб қочиш
7. Бу газламалар енгил, юмшоқ, чидамли бўлади. Улардан тайёрланган кийимлар чиройли, қулай, намликни шимадиган ва тез қурийдиган, ҳавони яхши ўтказадиган, осон ювиладиган бўлади. Юқори ҳароратга чидамли, ситилмайди, ювилганда бўйлама ипи бўйича киришади, тез ёғимланади ва яхши дазмолланади.
- А) пахта толасидан тўқилган ип газламалар
  - В) капрон толасидан тўқилган газламалар
  - С) зиғир толасидан тўқилган газламалар
  - Д) синтетик толадан тўқилган газламалар
  - Е) сунъий толадан тўқилган газламалар
8. Пахта етиштирувчи асосий давлатлар қаторини кўрсатинг
- А) Ўзбекистон, Миср, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Туркменистон, Тожикистон, Бразилия
  - В) Ўзбекистон, Миср, Хитой, АҚШ, Австралия, Аргентина, Бразилия
  - С) Ўзбекистон, Миср, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Австралия, Бразилия
  - Д) Ўзбекистон, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Пакистон, Туркия, Бразилия
  - Е) Ўзбекистон, Миср, Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Пакистон, Туркия, Австралия, Аргентина, Бразилия
9. Бир томони елим билан қопланган асоси тўқилган материал
- А) фурнитура
  - В) флизелин
  - С) диптих
  - Д) дублерин
  - Е) елимли ўргимчак тўри
10. Қўй терисидан тикиладиган эркак кишининг кийими
- А) Нимча
  - В) Этик
  - С) Камар
  - Д) Чопон
  - Е) Тўн

11. Тўрлаб тикиш машинасида қўлланиладиган ип қатори
- A) 5-4-3
  - B) 1-2-3
  - C) 2-3-4
  - D) 4-3-2
  - E) 3-2-4
12. Тикув машинасида ишлаганда ўқувчининг кўзи билан игнанинг орасидаги масофа
- A) 30-25 см
  - B) 25-30 см
  - C) 40-45 см
  - D) 35-40 см
  - E) 30-35 см
13. Намлаб-иситиб ишлов бериш деганимиз
- A) пресслаш
  - B) дазмоллаш
  - C) дазмоллаш, пресслаш, буғлаш
  - D) кийимни буғ манекенлари ёрдамида текислаш
  - E) кийимни иссиқлик ёрдамида текислаш
14. Тикув машиналарининг ҳаракатланишига кўра турлари
- A) TOYOTA, ZINGER, ПОДОЛЬСК
  - B) оверлок, А класСПМЗ
  - C) ярим автоматли ва махсустикув машиналари
  - D) қўл тикув машинаси, оёқ тикув машинаси, электр тикув машинаси
  - E) қўл тикув машинаси, электр тикув машинаси
15. «Зингер» фирмаси Россияда ўз филиалини очган йил
- A) 1900 йил
  - B) 1830 йил
  - C) 1870 йил
  - D) 1890 йил
  - E) 1850 йил
16. Деталларни бириктириш учун қўлланиладиган машина чокларининг турлари
- A) ёпиқ қирқимли қайтарма чок
  - B) очиқ қирқимли қайтарма чок
  - C) қўшма чок, адипсимон чок, ёпиқ қирқимли бостирма чок
  - D) ёпиқ қирқимли мағизланган чок
  - E) зигзаг чок, оверлог чоки

17. Тикув машинасини мойлаш жараёнини амалга ошириш тартиби
- A) ҳар куни иш тугагандан сўнг мойланади
  - B) ҳафтасига бир марта ўқ атрофига 0,3 мл мой қуйилади
  - C) машина очилиб, ички қисмлари мойланади
  - D) махсус тешикчалар орқали машина мойи 2-3 томчидан қуйилади
  - E) машинанинг остки тарафи мойланади
18. Игна механизмининг бажарадиган вазифаси
- A) газламани тешиб ўтиб, игна пластинкаси тагида устки ипдан ҳалқа ҳосил қилади
  - B) газламани бир-бирига қўшиб тикиш
  - C) газламани бир баҳя суради
  - D) устки ипни найча ипи билан чалиштиради
  - E) мокига устки ипни етказиб беради
19. Ранг кучининг ва хроматик рангга ахроматик ранг аралашгани билан характерланадиган ранг тусиқанчалик софлигининг кўрсаткичи
- A) ўхшаш ранглар
  - B) ранг туси
  - C) ранг тўқлиги
  - D) контраст ранглар
  - E) оқишлик
20. Энг турғун, асрлар мобайнида “танланган”, деярли ўзгармайдиган, “модадан ташқари”, бошқача айтганда – одми, ишбоп, хушбичим кийим услуби
- A) спорт услуби
  - B) тантанали услуб
  - C) классик услуб
  - D) аралаш услуб
  - E) романтик услуб
21. Машина чокларининг турлари қуйидагилардан иборат:
- A) Бирлаштирма чок, қўйма чок, бостирма чок
  - B) Бирлаштирма чок, безак чок, занжир чок, тўрлаш чок
  - C) Бирлаштирма чок, кўклаш чок, бостирма чок, безак чок
  - D) Бирлаштирма чок, салқи чок, бостирма чок
  - E) Бирлаштирма чок, қўйма чок, салқи чок

22. Буюмга намлаб-иситиб ишлов бериш
- A) буюм тайёрлашнинг ҳар бир босқичидан сўнг шартли равишда бажариладиган ҳаракат
  - B) газламанинг ўнг ёки тескари томонидан бажариладиган ҳаракат
  - C) буюм тайёрлашнинг ҳар бир босқичидан сўнг бажарилиши шарт бўлмаган ҳаракат
  - D) буюм тайёрлашнинг сўнгида бажариладиган ҳаракат
  - E) буюм тайёрлашда умуман шарт бўлмаган ҳаракат
23. Уй шароитида ишлатиладиган тикув машиналари
- A) ярим автоматли ва турли операцияларни бажарадиган тикув машинаси
  - B) ишлаб чиқариш ва механик тикув машинаси
  - C) электрли ва турли операцияларни бажарадиган тикув машиналари
  - D) ярим автоматли ва махсус тикув машиналари
  - E) механик ва электр тикув машинаси
24. СЗ-529 қандай операция бажарадиган машина тури
- A) оверлог
  - B) ҳар хил операциялар бажарадиган машина
  - C) бичиш машинаси
  - D) лентали бичиш машинаси
  - E) махсус машина
25. Кийимдаги виточканинг ўрнини белгилаш усули
- A) кўклаш чоки билан
  - B) бостирма чок билан
  - C) бўр, совун, нусхалама чок билан
  - D) маркер билан
  - E) бириктирма чок билан
26. Қуроқ деганимиз – бу ...
- A) ёстик, кўрпача жилдларини тикишда қўлланиладиган миллий усул
  - B) қадимдан сочиқ, чойшабларнинг четки қисмларида энг кўп тарқалган безак тури
  - C) лента шаклида ёки доналаб тайёрланадиган буюм шакли
  - D) қўл қавиқлари билан доналаб қўлланиладиган миллий усул
  - E) битта буюмда ранги ва фактураси турлича бўлган газлама қолдиқларини бириктириш
27. Қўшма чокларнинг қаторини кўрсатинг
- A) ёрма, қўш, безак, арча
  - B) безак, бириктирма, зий
  - C) қўл чоклари
  - D) бостирма, қўш, қўйма, туташтирма, бириктирма чоклар
  - E) занжир, крест, безак

28. Бир хил асосий ранглардан ҳосил бўлган ва ранглар доирасининг бир чорагидаги рангларнинг бирга қўшилгани
- A) оқишлик
  - B) ранг туси
  - C) контраст ранглар
  - D) ўхшаш ранглар
  - E) ранг тўқлиги
29. А клас СПМЗ тикув машинасининг бажарадиган операцияси
- A) зигзаг, тўғри баҳя тикишга мўлжалланган тикув машинаси
  - B) турли операциялар бажарадиган тикув машинаси
  - C) тўғри баҳя тикишга мўлжалланган тикув машинаси
  - D) 180 операция бажарадиган тикув машинаси
  - E) тўрлаб тикиш тикув машинаси (оверлок)
30. Тикувчилик буюмларини сувлаб, едириб, бир томонга сиқиб дазмоллаш
- A) ёриб дазмоллаш
  - B) дазмоллаш
  - C) бостириб дазмоллаш
  - D) ҳўллаб дазмоллаш
  - E) сиқиб дазмоллаш
31. Ип тортиш механизмининг вазифаси
- A) ипни игнага етказиб бериб, найча билан чалиштиради
  - B) ип тортиш механизми игнага ва мокига устки ипни етказиб беради
  - C) ипни игнага етказиб беради
  - D) ип таранглигини ушлаб туради
  - E) газламани бир баҳя суради
32. Тикув масшинасида тепки механизмининг вазифаси
- A) устки ва остки ипдан ҳалқа ҳосил қилади
  - B) устки ипни найча ип билан чалиштиради
  - C) газламани бир баҳя суради
  - D) мокига устки ипни етказиб туради
  - E) газламани босиб туради
33. Шимнинг узунлиги болдирнинг ўртасигача келадиган тор турини атанг
- A) шаровар
  - B) бриджи
  - C) велосипедки
  - D) галифе
  - E) капри

34. Ишлаб чиқаришга яроқли, чегараланган узунликдаги, юмшоқ, ингичка ва маълум қайишқоқлик, пишиқлик, чўзилувчанлик хусусиятларига эга бўлган жисм
- A) каштачилик маҳсулоти
  - B) табиий тола
  - C) тикувчилик маҳсулоти
  - D) тўқимачилик маҳсулоти
  - E) кимёвий тола
35. Одатда айнан бир тур материалдан тайёрланиб, маълум бир мақсадга мўлжалланган бир сидра кийимлар йиғиндиси
- A) гардероб
  - B) ансамбль
  - C) костюм
  - D) комплект
  - E) гарнитур
36. Тахламаларнинг бу турини тикиш учун детал тескари томонидан учта чизик белгилаб олинади. Биринчи ўрта чизик тахлама ўртасини, иккинчи чизик тахлама кенглигини, учинчи чизик эса тахлама тикиш чоки тугайдиган жойни кўрсатади. Ўрта чизик бўйлаб детал ўнги ичкарига қаратиб букилади, кўкланади ёки универсал машинада тикилади. Бахяқатор учинчи чизик бўйлаб юритиб тугалланади. Кўкланган ипни сўкиб ташлаб, детал ўнгини пастга қаратиб қўйиб, тахлама хақи бир томонга ётқизиб дазмолланади.
- A) Бир-бирига қараган тахлама
  - B) Қарама-қарши томонга қаратилган тахламалар
  - C) Бир томонга қаратилган тахламалар
  - D) Пастга қаратилган тахламалар
  - E) Юқорига қаратилган тахламалар
37. Мехнат шароитинг ёмонлигига алоқадор зарар таъсирида пайдо бўладиган касаллик
- A) Чарчаш
  - B) Шамоллаш
  - C) Шахсий гигиена
  - D) Касб касаллиги
  - E) Тери касаллиги

38. Е.А Климовнинг касблар классификациясига асосан, касбларнинг бу типи атроф-муҳитни яхшилашга интилувчи шахсларга мансуб бўлиб, бундай шахслар ҳайвонлар ва табиат билан енгил мулоқотга киришадилар.
- А) одам - одам
  - В) одам – белгилар тизими
  - С) одам - табиат
  - Д) одам - техника
  - Е) одам – бадиий образ
39. Ҳуқуқшунос, тарбиячи, ҳамшира, врач, журналист, кутубхоначи, савдо ҳодими каби касб эгаларининг касб типини кўрсатинг
- А) одам – бадиий образ
  - В) одам – белгилар тизими
  - С) одам - табиат
  - Д) одам - техника
  - Е) одам - одам
40. Бу касб вакиллари хизмати – товарнинг жуда катта партиясини сотиш. Масалан, қурилиш материаллари, дон маҳсулотлари, деталлар ва шу сингарилар. Улар бозор, нарх сиёсатини, товар турлари ва уларнинг хусусиятларини жуда ҳам яхши билиши керак, шунингдек асосийси клиент топиш эмас, балки улар билан мулоқотни узмаслик, келишиб ишлаш, битим тузишни билиш эканлигини тушуниш талаб этилади.
- А) улгуржи савдо менеджери
  - В) мерчензайдер
  - С) консультант-сотувчи
  - Д) савдо вакили
  - Е) савдо агенти
41. Дизайнер, модельер, рассом, пардозчи, стилист, режиссёр, артист, музикачи каби касб эгаларининг касб типини кўрсатинг
- А) одам – бадиий образ
  - В) одам - одам
  - С) одам - табиат
  - Д) одам – белгилар тизими
  - Е) одам - техника



42. Бирорта касб доирасида маълум бир фаолият тури учун махсус тайёргарлик ва иш тажрибалари билан эришилган зарурий билимлар, кўникма ва малакалар мажмуи
- A) касб
  - B) ихтисослик
  - C) мутахассислик
  - D) кўникма
  - E) малака
43. Кирим - бу
- A) ҳаражатлар, бирон бир нарсани аниқ бир мақсадда истеъмол қилиш
  - B) даромад ва ҳаражат мутаносиблиги
  - C) корхона, жисмоний шахс ёки фаолиятнинг қандайдир бир туридан олинган пул ёки моддий қадриятлар
  - D) мауъян давр мобайнида барча даромад ва ҳаражатларнинг тузилиши
  - E) оила аъзоларига берилган совғалар
44. Оила бюджети деганимиз
- A) оила ҳаражати
  - B) оила даромади
  - C) мауъян давр мобайнида барча даромад ва ҳаражатларнинг тузилиши
  - D) оилавий даромад, мол-мулк, қадриятлар ва эҳтиёжларни қондиришга ишлатилган чиқимлар ёзилган журнал
  - E) корхона, жисмоний шахс ёки фаолиятнинг қандайдир бир туридан олинган пул ёки моддий қадриятлар
45. Мувозанатли бюджет - бу
- A) даромад ва ҳаражат мутаносиблиги
  - B) даромаднинг ҳаражатга нисбатан ортиқлиги
  - C) мауъян давр мобайнида барча даромад ва ҳаражатларнинг тузилиши
  - D) ҳаражатнинг даромадга нисбатан ортиқлиги
  - E) ҳар бир оила аъзосининг даромад топиши
46. Маҳсулот ишлаб чиқарувчи томонидан қўйиладиган, уни сақлаш муддати ва шароитини аниқлашга имкон берадиган белгилар мажмуининг номи
- A) штрихкод
  - B) этикетка
  - C) маркировка
  - D) шартли белгилар
  - E) вкладиш (илова)

47. Уй иқтисодиётининг асосий мақсади
- A) даромад олиш
  - B) даромад ва ҳаражат муносиблиги
  - C) оила эҳтиёжларини қондириш
  - D) оила аъзолари орасидаги муносабатларни такомиллаштириш
  - E) уй ҳўжалиги ҳақида билим тўплаш
48. Белгиланган муддат (ой ёки йил) оралигида барча даромад ва ҳаражатларнинг йиғиндиси
- A) дебет
  - B) кирим
  - C) кредит
  - D) чиқим
  - E) оила бюджети
49. Компьютер вируслари ва зарар етказувчи дастурларни топиш ҳамда зарар етказилган файлларни тикловчи, файл ва дастурларни профилактика қилувчи дастур
- A) назоратчи
  - B) маршрутизатор
  - C) антивирус
  - D) блокиратор
  - E) тармоқлараро экран
50. Электрон ҳужжатдаги имзонинг номи
- A) электрон рақамли имзо
  - B) оддий имзо
  - C) ширфлаш имзоси
  - D) криптографик имзо
  - E) ахборотни криптографик ҳимоялаш имзоси

*Бір немесе бірнеше дұрыс жауабы бар тапсырмалар*

51. Куртакни пайванд қилиш вақти
- A) кеч кузда
  - B) эрта баҳорда
  - C) эрта кузда
  - D) июль ойининг охири, август ойининг бошида
  - E) баҳорда барглар чиққанда
52. Ұсимликларнинг вегетатив органларини кўрсатинг
- A) уруғ
  - B) поя
  - C) гул
  - D) мева
  - E) илдиз
  - F) барг
53. Иссиқ ичимликларни кўрсатинг
- A) кофе
  - B) чой
  - C) квас
  - D) кисель
  - E) лимонад
54. Сифатсиз гүштнинг белгилари
- A) гүшт зич, эгилувчан, бармоқ билан босганда ұз шаклига тез келади
  - B) ёғи оқ, оқ сарик ёки сарғиш рангли, қаттиқ консистенцияли, босганда суркалмайди, балки майдаланади
  - C) кесилган жой қорайган, сели қочган
  - D) гүштнинг бети юмшоқ, нам, айрим жойлари қорайиб қолган
  - E) ранги жонивор ёки қўй гүштининг турига мос (мол гүшти – қизил, қўй гүшти – қизғиш қўнғир, от гүшти – тўқ қизилдан қизғиш қўнғиргача ва хоказо)
  - F) гүштнинг кесилган жойи бармоққа ёпишмайди
  - G) ёғи бармоққа ёпишади, ёқимсиз ҳидига эга
  - H) пай гүштларининг консистенцияси юмшоқ, бармоқ билан босганда кичкина ұйиқча пайдо бўлади

55. Замш – табиий чармнинг бир тури бўлиб, у ...
- A) хром билан ошланган бўлиб, терининг юза қисми бархатга ўхшатиб махсус силлиқланган
  - B) эчки терисини ошлаш ёрдамида олинади
  - C) ўсимлик моддалар ёрдамида ошланган қўй ёки эчки териларидан олинган юмшоқ чарм ҳисобланади
  - D) ўнг томони зич бархатли бўлиб, момиклиги ва жилвираши кўринмайди, юмшоқ ва сувни ёмон шимадиган чарм ҳисобланади
  - E) эчки, қўй, ит териларидан ошлаб олинган чарм
  - F) шимолий буғу, ёввойи эчки ва ҳоказо ёғ қатламли териларини ошлаш ёрдамида тайёрланади
  - G) устки қатламида айрим нуқсонлари бўлган терилардан тайёрланади
56. Синтетик толаларни ишлаб чиқаришда қўлланиладиган ҳом ашё
- A) нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари
  - B) газ ва тош кўмирини қайта ишлаш маҳсулотлари
  - C) пахта
  - D) жун
  - E) ипак пилласи
57. “Экстерьер” сўзининг маъноси
- A) хонанинг ички безаги
  - B) хонанинг ташқи безаги
  - C) уйнинг олд кўриниши
  - D) хонанинг ички тасвири
  - E) фасад безаги
  - F) бинонинг ташқи кўринишини тасвирлаш
58. Қозоқ халқ ҳунармандчилигидаги гилам турлари:
- A) тукли гилам, тақир гилам
  - B) кигиз, гобелен, полотно, намат
  - C) босилган, ўрилган, тўқилган
  - D) кигиз, тускигиз, сирмоқ, сирдоқ
  - E) макраме, жункигиз, ипаккигиз
59. Маиший турмушда қиздириш лампаларининг кенг қўлланиш сабаблари
- A) ёритиш сифатининг яхшилиги
  - B) ўлчами бўйича кичкиналиги
  - C) ҳаммабплиги
  - D) таркибида симобнинг йўқлиги
  - E) нарҳининг баланд эмаслиги

60. Агрономия фанининг предмети

- A) яшил ўсимликларнинг қуёш энергиясидан фойдаланиши
- B) уй жониворларининг навлари
- C) селекция
- D) уруғшунослик
- E) органик моддаларнинг яратилиши

## *Мәнмәтіндік тапсырмалар*

### *1-мәнмәтін*

#### *Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма*

Халқ хунармандчилиги - қозоқ халқининг моддий-маданий меросининг муҳим таркибий қисмидир. Қозоқ халқининг манзарали-амалий санъат буюмлари бутун тарихий вақт давомида ривожланиб ва мукаммаллашиб келган, бугунги кунда ҳам ноёблиги ва ұзига ҳослигини йұқотмаган. Қозоқ халқининг уй хунармандчилиги ва косибчилиги кұчманчилик иқтисодиёти шароитида ривожланиб, одамлар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган.

Қозоқларнинг халқ хунармандчилигида кигиз босиш (*киіз басу*) ва бұйра тұқиш (*ши тоқу*) устунлик қилган. Кигизни ұтовга ёпишган, ерга тұшашган, совуқ кирмайдиган қилиб деворга илишган. Кигиздан сандиқ учун ғилоф, идиш-товоқ учун деворга илинадиган хуржун, чопон, пиймага ұхшаш пайпоқ, қалпоқ, ёпинғич, тұшама, эгар остига солинадиган наMAT ва шу сингари бошқа буюмлар ясалган.

Бұйра ұтовни иссиқдан ва ёғингарчиликдан химоя қилиш учун керегега ұралган, шунингдек қуртни қуритиш, жун босиш, кигизни намдан сақлаш (ерга тұшалган), ёрма элаш ва яна бошқа мақсадларда қўлланилган.

61. Бұйранинг асосий турлари берилган қаторни белгиланг

- A) Кигиз басу ши тоқу
- B) оқ бұйра, чим бұйра, ұрама бұйра, шидек, алаша, тұқилган бұйра
- C) оқ бұйра, чим бұйра, шидек, сирмоқ, текемет
- D) оқ бұйра, чим бұйра, ұрама бұйра, текемет, алаша, соябон бұйра
- E) оқ бұйра, чим бұйра, ұрама бұйра, шидек, терма бұйра, соябон бұйра

62. Қозоқ халқ хунармандчилигининг асосий турлари ёзилган қаторни кўрсатинг

- A) Кигиз басу
- B) заргарлик, кўнчилик, бадийий ұймакорлик, чилангарлик, каштадўзлик, гиламдўзлик, тұқимачилик
- C) заргарлик, кўнчилик, бадийий ұймакорлик, тунукасослик, каштадўзлик, гиламдўзлик, дегрезлик
- D) заргарлик, кўнчилик, тоштарозлик, рихтагарлик, каштадўзлик, гиламдўзлик, тұқимачилик
- E) заргарлик, кўнчилик, бадийий ұймакорлик, бинокорлик, гиламдўзлик

63. Мамлакатимиз ҳудудида кўчманчилар цивилизацияси тўғри келган даврни кўрсатинг
- А) неолит даври
  - В) бронза даври
  - С) илк темир даври
  - Д) полеолит даври
  - Е) мис даври
64. Ўтовнинг сиртини қоплашга ва уй-рўзғор эҳтиёжига қўлланиладиган оқ ёки кулранг жундан босилган текис наMAT
- А) текемет
  - В) сирмоқ
  - С) кигиз
  - Д) наMAT
  - Е) тукли гилам
65. Яхши пишиган қамишни пичоқлаб, пўстини тозалаб тўқилган буюм
- А) наMAT
  - В) кигиз
  - С) Гилам сабат
  - Д) пўстак
  - Е) бўйра

*Мәнмәтіндік тапсырмалар**2-мәнмәтін**Бір дұрыс жауабы бар 5 тапсырма*

“Хунар эгалламагунча киши –  
Очилмайдур унга икбол эшиги.”

М. Бедил

Касб танлаш – тақдиримизни танлаш демақдир. Ұрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари учун касб танлаш масаласи энг долзарб масала эканлиги барчага маълум. Улар ўз атрофидаги одамлардан, атроф-муҳитдан олган тажрибалари асосида, шунингдек, қизиқувчанлиги, қобилияти, соғлиги ва хоҳишини ҳисобга олган ҳолда бўлажак касбини танлашади. Касб танлашда шу касб эгаларининг бажарадиган вазифалари, касб эгасига қўйиладиган талаблар, жамоатдаги ўрни, оладиган даромади, одамларнинг бу касб эгалари ҳақидаги фикри ва шу сингари кўплаган омилларга алоҳида эътибор берилади. Мисол қилиб айтсак, биров банк соҳасида меҳнат қилгиси келса, бошқалар кинематография, юриспруденция, фармация, хизмат кўрсатиш соҳаси ва бошқа соҳаларда фаолият юритишни хоҳлашади. Энг асосийси, ҳар бир инсон касбни тўғри танлаш орқали ҳаётда ўз ўрнини ва ўзлигини топишидир.

66. Кино санъатига алоқаси бўлмаган касбни кўрсатинг

- А) товуш оператори
- В) кинематограф
- С) кинолог
- Д) Дурадгарчилик
- Е) кинорежиссёр

67. Тизимдаги касбларнинг ичидан ҳайвонлар билан ишлашга боғлиқ бўлмаган касбни танланг

- А) чорвадор
- В) кинолог
- С) дрессировщик
- Д) фармацевт
- Е) ветеринар



68. Гўзаллик бўйича мутахассис
- A) фитотерапевт
  - B) дизайнер
  - C) ортопед
  - D) реставратор
  - E) визажист
69. Инка саторнинг асосий бажарадиган иши
- A) нақди пулни ёки қимматбаҳо буюмларни етказиб бериш
  - B) банкда клинтлар билан шартнома тузиш
  - C) банкни нақд пул билан таъминлаш
  - D) банкда клиентларга пул тарқатиш
  - E) банкомат ишини назорат қилиш
70. Адвокатнинг ишига алоқаси бўлмаган фаолиятни кўрсатинг
- A) айбланувчи айбининг исботини тақиқ этиш
  - B) гувоҳлар билан ишлаш
  - C) юридик маслаҳат бериш
  - D) судланувчини ҳимоя қилиш
  - E) судда кимсанинг айбини айтиш

**1-БЛОК бойынша тест аяқталды.**